

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«DORI-DARMON» aksiyadorlik
kompaniyasi aksiyadorlari umumiy
yig'iliшининг
2019 йил «28» июндаги
қарори билан

**«DORI-DARMON»
aksiyadorlik kompaniyasining**

**ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ) ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ**

ТОШКЕНТ - 2019 йил

МУНДАРИЖА

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Жамият Бошқарувини сайлаш (тайинлаш) ва ваколатини тугатиш**
- 3. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари**
- 4. Жамият Бошқарувининг ишлаш тартиби**
- 5. Жамият Бошқарувининг жавобгарлиги**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «DORI-DARMON» aksiyadorlik kompaniyasining matn бўйича «компания») ижроия органи мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

1.3. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Компаниянинг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ

2.1. Компания Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат бўлиб бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

2.2. Компания Бошқарув раиси хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан сайланадилар (тайинланадилар).

2.3. Компания Бошқарув аъзолари (Бошқарув раисидан ташқари) кузатув кенгаши томонидан мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан сайланадилар (тайинланадилар).

2.4. Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимига номзод шахс у жиний жавобгарликга тортилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақида Компанияни хабардор қилиши лозим.

2.5. Бошқарув раиси ва аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида ёки кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

2.6. Компания кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан Бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномалари имзолайди.

2.7. Шартнома бир йил муддатга тузилади ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

2.8. Компания Бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномаларида уларнинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнесрежасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.9. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ тўлаш шартлари Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

2.10. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори “Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзолари вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

2.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.13. Компания кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари (раисидан ташқари) билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.14. Компания Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Компания кузатув кенгаши Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамиятнинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради. Бундан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Компания Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Компания Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

2.15. Компания кузатув кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.16. Бошқарув раиси билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.17. Компания уставида ва мазкур низомда назарда тутилган холларда Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ (ҲУҚУҚЛАРИ) ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Компания Бошқарувининг ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Компания Бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, Компания уставида, мазкур низомда ҳамда уларнинг ҳар бири Компания билан тузиладиган шартномада белгиланади.

3.3. Компания Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Компания кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

3.4. Компания Бошқаруви акциядорлар, Кузатув кенгаши ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

3.5. Компания Бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, устав ва ривожлантириш стратегияси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади.

3.6. Компания Бошқаруви барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлайди.

3.7. Компания Бошқаруви раиси ва Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- Компаниянинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар ва ташкилотларда компания манфаатларини ифодалаш;
- битимлар тузиш, компания мижозлари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларни (контрактлар) имзолаш;
- Компания номидан ҳужжатларни имзолаш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси, шўъба ва тобе корхоналарининг раҳбарини тайинлаш ва ишдан бўшатиш;
- Компания ходимларининг штат жадвалларини тасдиқлаш ва аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва норматив ҳужжатларига мувофиқ, компания ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш (мукофотларнинг барча турлари, устама, қўшимча ва бошқлар) миқдорини ўрнатиш;
- Компания шўъба ва тобе корхоналар учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Компаниянинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Компаниянинг ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички норматив ҳужжатлар бундан мустасно;
- Компания номидан ишончномаларни бериш;
- Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган фармойиш ва буйруқлар чиқариш ҳамда кўрсатмалар бериш;
- Компания кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- Компаниянинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- Компания ходимларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириб бориш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ишларнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- Компания Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, жамият устави ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.
- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг мол–мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- Компания бизнес хатарлари, Бошқарув раиси ва аъзоларининг жавобгарлигини суғурталаш;
- Компания ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;
- Компаниянинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича кузатув кенгашига ҳар чорақда ҳисобот бериш;
- Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Компаниянинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Компанияни малакали кадрлар билан таъминлайди, Компания ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- меҳнат интизомини қўллаб-қувватлаш;
- жамоавий музокараларда иштирок этиш, жамоа шартномаси ва битимини тузишда иш берувчи сифатида нутқ сўзлаш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Компания бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Компания бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

- Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агарда бундай маълумотларни учинчи шахсларга бериш ваколат доирасига кирмаса. Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Компания Бошқарув раиси томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Компания ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотларни олиш бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- Компания кузатув кенгашини компания билан битим тузишда унинг аффилиланганлиги мавжуд бўлганда хабар қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Компания таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- Компаниянинг шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига, компания устави ва бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- Компаниянинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Компания устави ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.8. Компания мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Компания устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этади.

3.9. Компания таркибига кирувчи жамиятларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўз вакилларининг Компания номидан овоз бериш тартибини белгилайди.

3.10. Компания бошқарув аъзоларининг бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги лавозимни қўшиб олиб бориши фақат кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

4. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Компаниянинг кузатув кенгаши мажлисларида ва акциядорлар умумий йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича Компания Бошқарувининг фикрини Бошқарув раиси ёки ваколатланган Бошқарув аъзоларининг бири ифодалайди.

4.2. Компания Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

4.3. Компания Бошқарув раиси Бошқарув мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

4.4. Компания Бошқаруви мажлисининг баённомаси котиб томонидан юритилади.

4.5. Бошқарув мажлисининг баённомасидан кўчирма қуйидагиларга берилади:

- кузатув кенгаши ва тафтиш комиссия раисларига уларнинг сўровномаларига асосан мажбурий тартибда;
- аудитор ва бошқа мансабдор шахсларнинг ёзма талабига асосан Бошқарув раисининг рухсати билан;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахс ва органларга (шу жумладан давлат органларига).

5. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Компания Бошқарув раиси ва аъзоси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

5.2. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари ўзларининг иш фаолияти давомида Компания фаолиятига ўхшаш хизматлар ва маҳсулотларни сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил этиш ва таъсис этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимга тайинланиш вақтида Компания фаолиятига ўхшаш

корхоналардаги ўзларининг иштирокини тўхтатиши ва бу ҳақда кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

5.3. Компания Бошқарув раиси ва аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида Компанияга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Компания уставига мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Компания олдида жавобгардир.

5.4. Бунда Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

5.5. Компания ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг Бошқарув раиси ва (ёки) аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

5.6. Суд жамиятнинг бошқаруви аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Компаниянинг бошқаруви аъзоси Компанияга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.